



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Сарвар Аюбовна Исхакова Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
Шехроза Маджитовна Каримова Инновации в сфере услуг общественного питания	25
Рахима Жамshedовна Курбанова Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
Eldor Anvarovich Nozimov Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Жунайдилло Садиевич Файзиев Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюновна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

3. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Издательство «Финэкспресс», 2003.
4. Каменева Н.Г., Поляков В.А. Маркетинговые исследования. – М.: «Вузовский учебник», 2006.
5. Tadqiqot natijasida muallif ishlanmasi.
6. Tadqiqot natijasida muallif ishlanmasi.

<p>С.Бойжигитов</p> <p>Возможности применения критериев потребительского поведения на рынке зерна и мучных продуктов</p> <p>Аннотация. В данной статье рассматриваются методы эффективного использования критериев потребительского поведения в процессе совершенствования рыночных механизмов. Данная работа посвящена изучению потребительского поведения на рынке зерна и мучных изделий и анализу возможностей применения критериев, используемых в этом процессе. В исследовании выделены факторы принятия потребительских решений, в частности, основные факторы, формирующие их психологическое, социальное и экономическое поведение. Кроме того, данная исследовательская работа имеет теоретическую и практическую ценность для исследования рынка и содержит полезные рекомендации для производителей и продавцов зерна и мучных изделий.</p> <p>Ключевые слова: маркетинговые возможности, модель потребительского поведения, потребительские критерии, тенденции рынка.</p>	<p>S.Boyjigitov</p> <p>Possibilities of applying consumer behavior criteria in the cereal and flour products market</p> <p>Abstract. This article examines the methods of effective use of consumer behavior criteria in the process of improving market mechanisms. This work is devoted to the study of consumer behavior in the grain and flour products market and the analysis of the possibilities of applying the criteria used in this process. The study highlights the factors influencing consumer decision-making, in particular, the main factors shaping their psychological, social and economic behavior. In addition, this research work has theoretical and practical significance for market research and contains useful recommendations for manufacturers and sellers of grain and flour products.</p> <p>Keywords: marketing opportunities, consumer behavior model, consumer criteria, market trends.</p>
--	--

Шавкат Собирович Олтаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИ ЎЛЧАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари ўрганилган. Аҳоли турмуш даражаси кўп қиррали ва мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни очиқ берилган ва бу борада муаллифлик ёнлашувлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш, ижтимоий сиёсат, ижтимоий неъматлар, аҳоли даромадлари, фаровонлик, ижтимоий инфратузилма, турмуш даражаси, турмуш сифати, бюджет.

Кириш. Аҳолининг турмуш даражасини инсонларнинг моддий, маънавий маърифий эҳтиёжларини қондириш жараёнларини ифодаловчи кўп қиррали, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Турмуш даражаси аҳоли даромадлари, ҳаражатлари, истеъмол даражаси ва унинг таркиби, уй-жой билан таъминланганлиги ва шу қабиларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражасини турли кўрсаткичлар тизими билан ифодалаб, уларни турли белгилар бўйича гуруҳларга ажратганлар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Профессор Ё.Абдуллаев аҳоли турмуш даражаси битта кўрсаткич билан эмас, аҳоли даромади ва турмушининг турли қирраларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан ифодаланиши лозим, деб ёзади. Бу тизим қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади: умумлаштирувчи синтетик кўрсаткичлар; аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи

кўрсаткичлар; аҳолининг маърифий-маънавий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар; аҳолининг социал шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар[1].

Профессор Ё.Абдуллаев оила даромадини 3 гуруҳга: меҳнат билан олинган даромад, мулкдан келган даромад, давлатнинг бирламчи даромади қабиларга бўлади[1].

Профессор М.Қ.Пардаев оила даромадларини 5 гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб, қуйидагиларни кўрсатади: меҳнат қилиш йўли билан олинган даромад; тадбиркорлик йўли билан олинган даромад; мулкни ишлатиш орқали олинган даромад; давлат томонидан берилган даромад; ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан берилган хайриялар, совғалар ва бошқа мурувватлар[2].

Иқтисодчи олим К.Хақбердиев “Аҳоли турмуши тушунча сифатида кенг манодаги 4 йўналишдаги кўрсаткичларни қамраб олади: аҳолининг сифат кўрсаткичларни, аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий хавфсизлик, атроф-муҳитнинг сифати” деб кўрсатиб, биринчи йўналиш кўрсаткичларига: демография, аҳолини такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, оилаларни шакллантириш қобилятлари, таълим ва касбий маҳорат даражаларини киритади[3].

Шерстнева.Г.С. ўзининг “Социальная статистика” китобида Россия Федерацияси ҳукумати ва бутун Россия бирлашган қасаба уюшмалари 2004-йил 29-декабрда келишиб тузилган шартномада аҳоли турмуш даражасини ифодалаш учун 35 та кўрсаткич олинганлигини ёзади[4].

Тадқиқот методологияси. Илмий мақоламизни ёзишда олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт матиқий фикрлаш, статистик ва тизимли таҳлил, шунингдек танловли кузатув ва ижтимоий сўров усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. БМТ турли мамлакатларда қўлланилаётган турмуш даражаси кўрсаткичларини ўрганиб, унинг даражасини ифодаловчи қуйидаги асосий кўрсаткичларни тавсия этган: туғилиш , вафот этиш ва бошқа аҳолини характерлайдиган кўрсаткичлар; турмушнинг санитария-гигиена шароитлари; озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш; тузар жой шароитлари; таълим ва санъат; меҳнат шароити ва бандлик; аҳоли даромадлари ва харажатлари; яшаш қиймати ва истеъмол баҳолари; транспорт воситалари; дам олишни ташкил этиш; ижтимоий таъминот; инсоннинг эркинлиги.

Демак, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш керакки, аҳоли турмуш даражаси жуда мураккаб, уларнинг яшаш ва фаолият юритишининг турли томонларини ифодаловчи категория (тушунча) бўлиб, фақат жуда кўп кўрсаткичлар билан тўлиқ ифодалаш мумкин. Бу кўрсаткичларни турли белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни моҳиятига қараб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

биринчидан, аҳолининг ижтимоий-демографик кўрсаткичлар;
иккинчидан, аҳолининг моддий истеъмолини ифодаловчи кўрсаткичлар;
учинчидан, аҳолининг таълими, маънавий-маданий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар;
тўртинчидан, аҳолининг соғлиғи ва санитария-гигиена ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий аниқ битта интеграл кўрсаткич тавсия этилмаган. Лекин БМТ мамлакатларининг иқтисодий тараққиёт даражасини аниқлаш учун мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажминини тавсия этган. Бу кўрсаткичга кўра дунёдаги барча мамлакатлар 3-гуруҳга: иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар; иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар; иқтисодиёти қолоқ мамлакатларга бўлинади.

Албатта ўртача олганда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси иқтисоди қолоқ бўлган мамлакатлар аҳоли турмушидан яхшироқдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзеев фармонлари билан, минимал иш ҳақи бир неча бор ошириб келинмоқда. Қуйида минимал иш ҳақининг кейинги йилларда қанчалик оширилганлигини 1-жадвалда кўрайлик

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, кейинги йилларда минимал иш ҳақи 149775 сўмдан 375000 сўмгача, яъни 2.5 баравардан кўпроқ оширилган. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ходимларининг меҳнат ҳақларини тегишли равишда ошириб борганлар.

Минимал иш ҳақи

Йил, ой, кун	Неча барабар оширилган	Минимал иш ҳақи суммаси (сўм)
2016 йил, 1-октябрь	1.15	149775
2017 йил, 1-декабрь	1.15	172240
2018 йил, 1-июль	1.07	184300
2018 йил, 1-ноябр	1.1	202730
2019 йил, 1-август	1.1	223000
2020 йил, 1-февраль	1.07	238610
2020 йил, 1-сентябрь	1.1	262470
2021 йил, 1-сентябрь	1.1	270000
2022 йил, 1-июнь	1.12	300000
2023 йил, 1-апрель	1.07	320000
2023 йил, 1-декабрь	1.07	340000
2024 йил, 1-октябрь	1.15	375000

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилган ўрганишлар турмуш даражаси каби мураккаб ва кўп ўлчовли категорияни тавсифлашда муайян бир кўрсаткичлар мажмуи билан чекланиб бўлмаслигини кўрсатади.

Турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш асносида мазкур кўрсаткичлар тизимини қуйидаги кўрсаткичлар билан бойитиш таклиф қилинади:

биринчидан, турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ўлчамларини баҳолаш, бундай кўрсаткичлар сирасига ижтимоий кафолатларни таъминлаш борасида давлат харажатлари, экология билан боғлиқ кўрсаткичлар, кутилаётган умр давомийлиги, аҳоли демографияси, тиббий хизматлар кўлами ва сифати кабилар киради;

иккинчидан, муайян турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини шакллантириш жараёнларини баҳолаш. Бунда салбий ижтимоий-иқтисодий ҳолатларнинг кўпайиши, таълим, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, жиноятчилик кўлами кабилар муҳим ўрин тутди;

учинчидан, аҳоли турмуш сифатини шакллантириш омилларини баҳолаш. Бундай кўрсаткичлар сирасига меҳнат салоҳияти, иқтисодий фаоллик, бўш вақт, пенсия таъминоти, камбағаллик даражаси кабилар киради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ё.А.Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. Т. 1998й. 182б.
2. М.Қ.Пардаев ва бошқ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ. 2001й. 25б.
3. К.Ҳақбердиев. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т. 2006й. 269б.
4. Г.С.Шарстнева. Социальная статистика: конспект лекций, М. 2009й. с.39-40.

Sh. Oltaev	Ш.Олтаев
Экономическое содержание уровня жизни населения в условиях цифровой экономики и показатели его измерения	The economic content of the standard of living of the population in the conditions of the digital economy and its measurement indicators
<p>Аннотация. В данной статье рассматривается экономическое содержание средств к существованию населения и показатели его измерения в условиях цифровой экономики. Уровень жизни населения – многогранная и сложная экономическая категория. Исходя из этого, в данной статье раскрывается экономический смысл уровня жизни населения и излагаются авторские подходы в этом отношении.</p> <p>Ключевые слова: цифровая экономика, национальная экономика, устойчивое развитие, экономический рост, социальная политика, социальные льготы, доходы населения, благосостояние, социальная инфраструктура, уровень жизни, качество жизни, бюджет.</p>	<p>Abstract. This article examines the economic content of the population's livelihood and its measurement indicators in the context of the digital economy. The standard of living of the population is a multifaceted and complex economic category. Based on this, this article reveals the economic content of the population's standard of living and puts forward the author's approaches in this regard.</p> <p>Keywords: digital economy, national economy, sustainable development, economic growth, social policy, social benefits, population income, welfare, social infrastructure, standard of living, quality of life, budget.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.